



НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:8

ЎЗБЕК ОТАСИНИНГ ФИТРАТИ ВА ТИЙНАТИ ТАСВИРЛАНГАН ШОХ АСАР

Аметова Нилуфар Комилжоновна
Эркин тадқиқотчи

Аннотация: Уибу мақолада ёзувчи Улугбек Ҳамдам қаламига мансуб “Ota” романининг сюжет тизими таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инсон матонати, адабиётнинг вазифаси, руҳият тасвири, макон ва замон, баҳт ва қайгу чизгилари.

Адабиётнинг бош мавзуси ҳамиша инсон руҳияти ва кечинмаларини макон ва замон нуқтаи назаридан турли хил эврилишларда бадиият воситалари ила тасвиrlашдир. Бу ҳақда ёзувчи назар Эшонқулнинг “Адабиёт тарбия воситасими?” деган мақоласида рад этилмас қуидаги фикрларни ўқишингиз мумкин. ““Ха!”, адабиёт тарбия воситаси. Буни тан олмасликни мен адабий бодилик, деб тушунаман. Тўғри, адабиёт муаллим ёки ота-она қаби бевосита тарбия билан шуғулланмайди, аммо у туйғуни, дидни, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги тасаввур чегарасини, қўнгил ва қалбни тарбиялайди. Шунинг учун у тарбия воситасидир. Инсониятнинг бугунги кўплаб фожиаси маълум маънода адабиётдан узоқлашиши ёки у билан қалбларини тарбияламай қўйгани билан боғлиқ экани дунё алломалари ўртасида таҳлил қилинган ва қилиньяпти. Санъат, жумладан, адабиёт тарбияламаган қалб ваҳшийликка, ёвузликка, тубанликка мойил қалбdir. Чунки адабиёт билан тўлган қалбга ёвузлик кириб олиши қийин кечади, қўнгил майли ёвузлик томонга ўтишдан олдин у ерда адабиёт бунёд этган қўргонларни, қалъаларни бузиб ташлашига тўғри келади. Адабиёт билан тўйинган қалб, онг – пойдевори мустаҳкам бинога ўхшайди. У залолатга бошловчи кўплаб зилзилаларга дош бера олади. Адабиёт ва санъат тарбияламаган қалб “энг паст балли силкинишларга” дош беролмай, тўкилиб кетади. Бу – асрлар оша исботланган ҳақиқат.”¹

Дарҳақиқат, бугунги кун авлоди учун мазкур мавзу нихоятда долзарб. Негаки, замонамиз ёшларини бевосита кузатиш асносида уларнинг оломончилик дидига мос, енгил-елпи ҳою ҳавасларга тўла асарларни ўқишига ишқибозлигини кузатиш мумкин. Гарчи мамлакатимизда сўнгги йилларда китобхонлик борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ўқишли ва шахс камолотини тарбиялашга қодир асарларни мутолаа қилишда ёш авлод ҳануз оқсамоқда. Шу боис мазкур мақоламизда бугунги ёш авлод ўқиши жоиз ва зарур бўлган асар Улугбек Ҳамдамнинг “Ота” романи ҳақида қисқача тўхталишни жоиз деб билдик.

¹ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nazar-eshonqul-adabiyot-tarbiya-vositasimi/>



НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:8

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Умарали Норматов ушбу асарга таъриф бераркан, асар миллий адабиётимиздаги шоҳона романлар билан бемалол беллаша олишини, яқин ўртада бундай ажойиб роман ёзилмаганлиги ва орзуладидан бири амалга ошганлигини таъкидлайди.²

Маълумки, Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб «Дунёнинг ишлари» асари адаб таъбири билан айтганда барча оналар учун ёзилган, ўз онасини ўзбек оналарининг сиймоси сифатида тасвирланган. Фикримизча, таҳлил объективиздаги Улуғбек Ҳамдамнинг «Ота» романни оталар, аниқроқ қилиб айтганда, ғарбдан фарқли ўлароқ, ўзига хос дунёқараш, ўзбекона хислатларга, шарқона руҳга эга бўлган оталар ҳақида ёзилган.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари: Пўлат (ота), Ёғду (она), Ўткир ака, Ойчечак опа, Тошдомла, Никита, Эрбой, Ўқтам ака, Севинч, Факил, Турсун ака. Ушбу тимсоллар бугун орамизда сизу бизга таниш бўлган инсонлар қиёфасида берилган.

Ҳақиқий ўзбек отаси Пўлат (ота) сиймосида тасвирланган. Асадаги воқеалар уруш ва урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Уруш даврида қонун бўйича уй эгаси урушга кетган бўлса, уйда қолган ягона фарзанд (ўғил) урушга жўнатилмасди. Лекин Пўлат отаси Ўткир ака кетганидан сўнг, уйда жим ўтиrolмади. Ўзида куч, матонат топа олган Пўлат ўз хоҳиш-истаги билан урушга кетди. Жисмонан бақувват бўлган Пўлат ҳақиқий ҳаёт қандай эканлигини, қийинчиликлардан қандай кутулиш кераклигини урушга бориб билди. Ачинарли томони шундаки, урушга кетишдан бир ой олдин, Пўлат ўз севган қизига онасининг қистови билан уйланди. Аслида, у урушдан қайтиб келиб, уйланмоқчи эди. Аммо онаси бунга йўл қўймади ва қайсарлик билан ўғлини уйлантирди. Пўлат урушга борганида, табиийки, оиласини, айникса, рафиқасини соғинади ва пичирлаб шеър ўқииди:

«Мени кутгил ва мен қайтарман!

Фақат кутгил жуда интизор,

Кутгил ёмғир зериктирганда,

Мени кутгил ёққанида қор».³

Жанг майдонида Пўлат Никита исмли русийзабон йигит билан дўст тутинди. Ўғир кунларида бир-бирига ёрдам берди. Пўлат урушга, ҳатто, чумолига ҳам озор бермаган йигит сифатида борди. Аммо уруш уни бора-бора раҳм-шафқатсиз қилиб тарбиялади. Қанчадан-қанча немис аскарларини ўлдирди. Украина

² <https://kitobxon.com/ru/yozuvchi/umarali-normatov>

³ Ҳамдамов У. Ота –Т: Ёшлар матбуоти, 2022. – Б.43



НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:8

ерларида Пўлат туфайли бир неча душман қўшинларининг қони тўкилиб, жонсиз танага айланди. Пўлат ва Никитанинг қолган жангчилардан фарқли жиҳати шундаки, уларда виждон, одамийлик хислатлари тўла-тўкис йўқолмаганди. Масалан, кунлардан бир куни Никита бир немис аскарини яралайди, шунда душман дод-вой солиб, оғриқдан ингради. Икки дўст немиснинг бундай инграшига раҳми келиб, уни қутқарди, қўлларидан келганча ёрдам беришди. Пўлат урушда омон қолди, бироқ... Бироқ Никита ҳалок бўлди. Уруш тугаганида душманларга асир тушиб, қамоқда ҳам ўтириб чиқди. Пўлат қайтган йили, 1953 йил Сталин вафот этганди. Ёғду эрини нақ ўн икки йил кутди. Урушдан кейин улар ўн беш йил фарзанд қўришмади. Қизиқ томони, эр-хотин – иккиси ҳам соппа-соғ, шунчаки шу вақтгача Оллоҳ уларни тирнокқа зор қилди. Узоқ кутилган онлар келди. Анча йиллардан бери ушбу хонадонда янграмаган овоз – чақалоқ йифиси янгради. Қизалоқ бутун оиласа узоқ йиллардан бери кутилаётган севинч олиб келди. Исми ҳам жисмига мос бўлиб, унга Севинч деб исм қўйилди. Қизалоқ оиласа ягона бўлганлиги учун жуда эрка, тантиқ ўсади. Истаган ҳар бир нарсаси муҳайё қилинди. Момоси Ойчечак опа қўлида тарбия топди.

Романда ёзувчи инсон руҳияти ва фитрати ҳар қанча кучли бўлмасин, тақдир синовларни кутилмаганди уни баҳт ва қайғу чорраҳасида тўқнаш қилишини кутилмаган кульминацион сюжет тизимида маҳорат билан ёритади. Айниқса, кунлардан бир кун уйга ўт кетганида узоқ йиллар мобайнида кутилган фарзанд, Севинчнинг юзи куйиши китобхонни кейинги тафсилотлар сари бош кўтармай мутолаа қилишга ундейди. Оллоҳ берган гўзал ҳусн бир ондаёқ бузилди. Энди ота-онанинг кўнглига қил ҳам сиғмасди. Томоғидан на сув, на овқат ўтди. Чунки, узоқ йиллар мобайнида уларнинг фарзанд кўрмаганлиги хавотирли бўлган бўлса, энди ўша фарзанднинг келажаги ҳақида қайгура бошлишди. Гўзал ҳусни куйганидан сўнг, чандиқ изи қолди. Келажакда шу чандиқ туфайли уйига совчилар келмаслигидан хавотирланди ва шундай бўлди. Асардаги кейинги воқеликлар тизими шу қадар шиддат билан айланадики, ҳар бир тафсилотда китобхон бевосита Пўлат отанинг маънавий қиёфасини кўради. Айниқса, қизи Севинчнинг туғруқхонада эканлигидан хабар топган отанинг важоҳати романдаги нурли чизгиларни фожеликка буради.

Шу ўринда ўқувчида савол туғилади: Пўлат ота қизини ўлдириб, тўғри қилдими? Ёки бўлмаса, қиз отасининг орзу-истагини амалга оширмоқчи бўлиб, уни набиралиқ баҳтини ҳис қилдириш учун берухсат никоҳдан ўтганини қандай оқлаш мумкин? Ахир ота, барибир ота. Унда мусулмонликка хос хислатлари: рашки, шижаати, матонати бор. Асарда ўзбекона урфлар Пўлат ота тимсолида ёрқин ифодаланган. Ҳусусан, ўзбекларда бир одат бор: Хотин турмуш ўртоғининг



НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:8

исмини айтиб чақирмайди. Оила бошчиси эса аёлига ўз исми билан эмас, қизининг исми билан мурожаат қиласди. Пўлат ҳам Ёғду онани «Севинч» деб чақираади. Асарда ота тимсоли тўла-тўкис тасвирланган. Бунга шубҳам йўқ. Қизининг туғилишини интизор кутади, юзи кўйганида ҳақиқий ўзбек отаси каби унга меҳрини аямайди, уни ташлаб кетмайди. Лекин қизини ўлдиради. Энг ўғир гуноҳлардан бирини қиласди.

Нега? !Ёзувчи нега асарни шундай аянчли тақдир чизгилари билан тугатган. Ҳозирги адабий жараённинг кузатувчиси сифатида шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, бадиий асар ўқувчи руҳиятига фақат эстетик таъсир қилиш эмас, балки уни шиддатли ҳаёт оқимида ҳар қандай қийинчиликларни матонат ила енгиш, кутилмаганда юз берадиган чигал муаммоларга оқилона ечим топа билишида ҳам тарбия воситаси бўлмоғи жоиз. Айни маънода нуктадон олим ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Ота” романни шундай хусусиятга эга ҳаққоний битик десак муболага бўлмайди. Профессор Умарали Норматов таърифига асослансанак, “Адабиётимиз, жумладан, романчилигимиз фалаж ҳолатга тушиб қолган ҳозирги шароитда бу асар роман жанрига қайта жон ато этди”⁴

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳамдамов У. Ота – Т: “Ёшлар матбуоти”, 2022. –Б. 138
2. <https://kitobxon.com/ru/yozuvchi/umarali-normatov>
3. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nazar-eshonqul-adabiyot-tarbiya-vositasimi/>

⁴ Ҳамдамов У. Ота –Т: Ёшлар матбуоти, 2022. – Б. 4